

ҲИНД АЁЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТДА ТУТГАН ЎРНИ (Мира Сикри ижоди мисолида)



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7509109>

Махамадхўжаева Умидা

Ўзбекистон жаҳон тиллари университети Ҳиндий тили ўқитувчisi,

Тошкент давлат шарқшунослик университети тадқиқотчisi

Тел.: +998 90 096 37 31

Maxamadkhodjaeva Umida

Teacher of Hindi language at Uzbekistan State World Languages University,

Researcher at Tashkent State University of Oriental studies,

Phone: +998 90 096 37 31

Аёл- инсон, буюк инсон. У жамият тарбиячиси.

Юртнинг баҳт ва баҳтсизлиги аёлга боғлиқ. Тўғри тарбия билан аёл инсонни, тўғри тарбияланган инсон эса юртни обод қиласди. Барча баҳт ва фаровонлик аёлдан бошланади, баҳт ундан бошланиши лозим.

И мом Хомейни

Аннотация. Уибу мақолада ҳинд адабиётининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланган “Гендер тенглиги” масаласини ўз асарларининг марказий мавзусига айлантирган ёзувчи Мира Сикрининг ижодий мероси ҳақида сўз юритилган бўлиб, адиба қаламига мансуб “Чидаб бўлмас очлик” (“अनहोनी की भूख”) ҳикоясининг таҳлили асосида ҳинд аёлларининг жамиятдаги ўрни, ҳак-хуқуқи масалаларига ойдинлик киритишга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар. Ҳинди адабиёти, ҳинди адабиётида аёл ижодкорлар, адабиётда гендер масаласи, Мира Сикри ижодий мероси, “Чидаб бўлмас очлик” (“अनहोनी की भूख”) ҳикояси, аёллар мавзуси, ҳинди адабиётида аёл образи.

Аннотация. В данной статье размышляется о творческом наследии писательницы Мирзы Сикри, сделавшей центральной темой своих произведений тему «Гендерного равенства», которая считается одной из центральных проблем индийской литературы, в целях исследования данного вопроса подробно анализируется авторский рассказ «Невыносимый голод» («अनहोनी की

भूख»). В рассказе подробно обсуждались роль индийских женщин в обществе, тема женщин в индийской литературе и освещение гендерных вопросов в литературе.

Ключевые слова. Индийская литература, женщины-творцы индийской литературы, гендерные проблемы в литературе, Мира Сикри и ее творческое наследие, повесть «Неожиданный голод» («अनहोनी की भूख»), женская тема, образ женщины в индийской литературе.

Abstract. This article reflects on the creative heritage of the writer Mira Sikri, who made the theme of "Gender Equality", which is considered one of the central problems of Indian literature, the central theme of her works, in order to study this issue, the author's story "Unexpected Hunger" ("अनहोनी की भूख") is analyzed in detail. The story discussed the role of Indian women in society, the theme of women in Indian literature, and the coverage of gender issues in literature.

Keywords. Indian literature, women creators of Indian literature, gender issues in literature, Mira Sikri and her creative legacy, story "Unexpected Hunger" ("अनहोनी की भूख"), female theme, the representation of a woman in Indian literature.

Аёл! Вақти келса биз учун оддийгина бўлиб туюлган мана шу уч ҳарфдан иборат сўз замирида дунёни ларзага солувчи улуғ бир куч мавжуд. У Оллоҳ яратган мўъжиза, нозик ҳилқат. У улкан тароват соҳибаси, ақлу-заковат эгаси, шунинг учун ҳам у кўз қири ила дунёни забт эта олади. Ана шундай гўзаллик соҳибаларининг адабий жараён ўзанига қўшаётган ҳиссалари эса бекиёсdir.

Ҳинд адабиётида муҳим ижтимоий муаммо – ҳинд хотин-қизлари аҳволи кўпгина ҳинд ёзувчиларини, айниқса, адигаларини анчадан бери ташвишлантириб келади. Мамта Калия, Субхадра Кумар Чаухан, Ушадеви Митра, Амрита Притам, Манну Бхандари, Мира Сикри, Сушам Беди, Дипак Шарма, Сара Рай, Шиврани Деви каби адигалар бу мумаммога ўз асарлари орқали жуда кўп мурожаат этганлар. Улар ўз роман ва ҳикояларида оила ва жамиятда ҳинд хотин-қизларининг ўрни ҳақида сўз юритганлар.

Ҳиндистоннинг бу машҳур адигалари аёлларни ҳимоя қиласидилар, чунки ҳинд аёлларининг жамиятдаги доимо ҳукуқсиз, камситилган аҳволи Ҳиндистоннинг миллий муаммоларидан бири бўлиб келган. “Ҳиндистоннинг кўп асрлик тарихи давомида аёллар каста тизими ва диний урф-одатлар мавжуд

бўлган феодал жамиятида ҳаётнинг бутун қийинчиликларини ўзларида синаб келганлар”¹

Барча адабиётларда кўпгина шоир ва ёзувчилар аёлни мадҳ этадилар, нозик тасвиirlар ила суратини чизадилар, ҳаёт йўлини эса бир китобга айлантирадилар. Аммо, аёл дардини, унинг ғам-ғуссаларини ҳеч ким аёлнинг ўзичалик тушуниб етолмайди, англай олмайди. Зеро, унинг қалб тубида яширинган сирлари бисёр, унинг юрагини қийнаётган, азоб бераётган аламлари бисёр. Ана шу қалб туғёнлари, изтиробларини тўкиб солиш эса унутилмас ҳикоя-ю, буюк асарлар яратилишига замин бўлиши муқаррар. Худди шундай аёлнинг дарди, унинг нозик жиҳатларини ўзининг сирдош қалами ила тебратишни мақсад қилиб олган Ҳиндистонлик ажойиб адиба - Мира Сикридир.

Адиба Мира Сикри 1941 йилда Ҳиндистоннинг Гужранвала шахрида таваллуд топган. У жуда иқтидорли бўлиб, кўпгина насрый асарлар муаллифидир. “ఫెంట్రో” (Маневр), “గ్లత్తి కహ్” (Хатолик қаерда), “అనుపస్థిత” (Мавжуд эмаслик) номли асарлари ўқувчилар кўнглидан жой олган. Унинг воқеликни серқирра кўра олиши ўқувчининг тасаввур ва қабул қилиш оламини янада кенгайтиради.

Адабанинг асарларида аёлнинг индивидуаллиги, эркак киши бошқарадиган жамиятнинг қолоқ анъаналари ичida йўқолиб кетаётган аёллар образи яратилган. Феминизм ва гендер масаласи жамиятга кириб келишидан анча аввал Мира Сикри аёллар муаммоси ҳақида ёза бошлаган адиблардан саналади. У кўтарган асосий масала эркакларнинг аёллардан ўз манфаатлари йўлида қандай фойдаланиши билан боғлиқ бўлган. Унинг асарлари адабий журналларда нашр этилиб, тезда кўпчилик эътиборини қозонган. У яратган образлар гуманизм рухи билан суғорилган. Асар яратишда тўқима образлардан фойдаланган Мира Сикри хаётда, жамиятда бошқаларнинг эътиборини ўзига унчалик тортмайдиган сўлғин қаҳрамонларни, жумладан, авлиё брахман, унинг анъаналарга риоя қилиб яшайдиган оддийгина аёли ёки бева она каби образлардир.

Мира Сикри ҳикояларидан бири “Чидаб бўлмас очлик” (“अनहोनी की भूख”) ҳикоясидир. Ҳикоя қаҳрамони бўлган қизнинг ҳаёт зарбаларига учрагани тасвиirlанган. Бир қиз машинада кета туриб, ҳайдовчи қиз айтган манзилга эмас, бошқа ерга олиб бориб унинг нафсониятига тегиш ҳолати тасвиirlанган. Ўша вақтга қадар қизнинг ҳаёлидан кечган кечинмалари аёл кишини бир буюмга

¹Салимова Ф.С. Женщины независимой Индии. Ташкент. 1979. –С. 4

қиёслаб, эскириб қолганда ташлаб кетиладиган бир матох сингари кўришлари ачинарли холдир. Ҳикоя қаҳрамони ҳаёлидан нималар кечмади дейсиз. Ундаги кўркув, хинд эркакларига нисбатан бўлган ишончсизлик яқъол тасвиrlанган.

бинду को घर के दरवाजे तक छोड़कर आ गई। भय-सा लग रहा है। कभी इसके साथ अकेली गई भी तो नहीं-दिन में भी। और बिन्दु ने भी तो उस दिन कहा था"——बचकर रहना ,खतरनाक आदमी है। "वह विनीत भाव से गाड़ी का दरवाजा पकड़े खड़ा है। दरवाजा खोलता है" -आइये "कहकर मुझे बैठने का संकेत करता है। क्या यह औपचारिकता है या सभ्य देखने की सायास चेष्टा। याद करने की कोशिश करती हूँ कि कभी इसने बिन्दु के साथ इस तरह की औपचारिकताएँ बरती हैं।

*"Биндуни уйининг эшигигача ташлаб қолдирдим. Бирозгина кўркув хисси бўлаяпти. У ҳамто куни бўйи у билан ҳеч ёлгиз юрмаган. Бинду ҳам ўша куни айтган эди- "эҳтиёт бўлгин хавфли одам." У машина эшигини очиб менга ишора қилди: "Келинг" Нима бу расмиятчиликми ёки муносиб кўринишга ҳаракат қилишиmı? Баъзан Бинду билан шундай расмиятчиликларни амалга оширишга ҳаракат қилганимни эслайман"*²

Ҳикоямиз қаҳрамонининг дугонаси Бинду у инсон қандайлигини айтиб, огоҳлантириди. Шундан сўнг унинг ичидаги кўркув янада ортди. Бу вазиятда муаллиф қизнинг чорасизлигини, у бу вазиятдан чиқиб кета олмаслигини кўрсатиб ўтмоқда.

अकेला घरा कोई भी व्यक्ति वहाँ नहीं होगा। न पत्नी , न माँ, न बहन। ऊपर से रात। सन्नाटा और मैं। कॉप जाती हूँ। फिर भी निःडर दिखने के प्रयास में अनायास मुंह से निकल जाता है—"अगर बहुत ज़रूरी काम न हो तो पहले मुझे छोड़ दीजिये।"

*Ёлгиз уй. У ерда ҳеч ким бўлмаса керак. На хотини, на онаси, на синглиси. Сукунат ва мен. Титираб кетяпман. Узимни бироз қўлга олиб дедим: "Агар жуда муҳим иш бўлмаса аввал мени ташлаб қўйинг"*³

Ёзувчи ҳикояда қаҳрамоннинг ички кечинмаларини кўрсатиб, унинг бутун борлифи, хис-туйғулари, ўйлари ва орзулари саробга айланганини айтиб ўтмоқда.

Мира Сикрининг бош қаҳрамони - рўшнолик қидираётган, баҳтли тақдир кутаётган мураккаб ва серқирра образдир.

क्या मेरा संदेह ठीक है? कुछ ऐसी-वैसी स्थिति आ गई तो मैं गाड़ी से कूद पड़ूँगी, शोर मचा दूँगी , पर क्या कोई सुन पाएगा ? दोषी तो मुझे ही ठहराया जाएगा।

*"Хўши, менинг шубҳаларим тўғрими? Агар шундай холат бўлса, машинадан сакраб тушиб қоламан, шовқин қоламан, аммо кимдур эшиштармикин? Барибир ўзим айбдор бўлиб қоламан."*⁴

²мматा қалията ბისვე სძី កាត ہیندی مہیلہ-لے�ن : ხო-3, ساہیत्य აკადმი, ნई დილ्ली 2015, ਪैज 171

³мматा қалията ბისვე სძី កាត ہیندی مہیلہ-لے�ن : ხო-3, ساہیت्य აკადმი, ნई დილ्ली 2015, პैజ 171

⁴мматा қалията ბისვე სძី កាត ہیندی مہیلہ-لے�ن : ხო-3, ساہیت्य აკადმი, ნई დილ्ली 2015, პैజ 172

Хикоядан кўриниб турибдики, агарда қиз машинадан тушиб, одамларни ёрдамга чақирган тақдирда ҳам айбордor ўзи бўлишини англаяпти. Бу ердаги воқеликда хинд жамиятида аёл кишининг ҳақ-хуқуқи поймол этилиши акс эттирилмоқда.

Хикоядан яна бир мисолни тахлил қилсак.

एक विषेले सॉप का फन अपनी गर्दन पर महसूस करती हूँ। संपूर्ण शरीर उसके विषेले प्रभाव से निःस्पंद हुआ जा रहा है। रेंगता-रेंगता वह सॉप मेरी कमर तक पहुंच गया है।

“Худдики бўйнимда заҳарли илон териси. Бутун тана унинг заҳарли таъсиридан халос бўляяпти. Ўша илон эмаклаб-эмаклаб мени белимгача етиб келди.”⁵

Муаллиф эркакни заҳарли илонга ўхшатаяпти. Унинг шафқатсизларча қизнинг нафсониятига тегиши, кўпгина хотин-қизларнинг арzon қўғирчоқ, бир буюм сифатида кўришидир.

Мира Сикри яратган барча хотин-қизлар образлари ҳаётга яқинлиги билан, халқчиллиги билан ва уларни осон таниб олиш мумкинлиги билан диққатни тортади.

Бундан ташқари бу давр адабиётида хотин-қизлар эрксизлиги масаласи билан бирга, оиласи зулм, зўравонлик, бутун жамиятда унга нисбатан паст, тилсиз, забонсиз, хуқуқсиз бир буюм, кўнгил очиш воситаси сифатида қараш шаклланганлиги, унинг забун, чорасиз ҳолатидан фойдаланиш, ҳимоясизлиги масаласи илгари сурилади. Умуман, гендер мавзусини бор кескинлиги билан кўтариш борасида Мира Сикрининг хизматларини алоҳида эътироф этиш зарур.

Хикоядаги воқеалар асосида шуни айтиш мумкинки, аёлларнинг ёш авлодни илмли ва соғлом тарбия қила олишлари учун нафақат ҳаётий тажриба ва ён атрофдагилар кўмаги, балки уларнинг илмли бўлишлари лозимлигига ҳам ишора бор. Эрта турмушга чиқиши ва эрта турмушга бериш масаласи ҳам аёллар хуқуқсизлигининг бир муаммоли жиҳатидир. Ҳозирда жаҳонда 18 ёшга тўлмай туриб турмушга чиқсан қизлар сони 750 миллионни ташкил этади. Ер юзида яшаётган 52% қиз-аёлларгина ўз ихтиёрига биноан оила қуришмоқда. Эрта турмушга чиқиши ҳолатлари саводсизлик, оналикка тайёр эмаслик, носоғлом ва ногирон фарзандлар сонининг ортиши эҳтимоллиги, ишсизлик, боқимандалик каби аянчили ва салбий ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Атроф мухит ва ривожланиш бўйича Рио-де-Жанейро Декларацияси (Рио Декларацияси, 1992

⁵ममता कालिया। बीसवीं सदी का हिंदी महिला-लेखन : खंड-3, साहित्य अकादमी, नई दिल्ली 2015, पैज 172

й.), Аҳолишунослик ва ривожланиш бўйича Қохира конференцияси (1994) ва Инсон манзилгоҳлари бўйича Истамбул конференцияси (1996) каби фундаментал хужжатлар шунга хизмат қилмоқда. Хотин-қизлар ҳуқуқларини камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция (CEDAW, 1979), Хотин-қизлар аҳволи бўйича Пекин конференцияси (1995) ва бошқалар ҳам шулар жумласидандир.⁶

Гендер (инглизча-уруг) – инсон жинсининг ижтимоий-маданий жиҳатини ифода этувчи тушунча ҳисобланади. Агар ўтмишдаги инсониятнинг ижтимоий-руҳий қиёфасига назар ташлайдиган бўлсак, ундаги манзарада асосий, юқори ва кўпгина масалаларда уларнинг қарори ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлигига, эркакларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги таъсирлари юқори ва кўпгина масалаларда уларнинг қарори ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганига гувоҳ бўламиз. Хотин-қизлар эса бу жараёнларга аралашмасдан асосан уй юмушлари ва фарзанд тарбияси билан машғул бўлганлиги ҳам қўплаб тарихий манбалардан бизга маълум. Ҳатто шундай даврлар бўлганки, аёлга нисбатан жирканч бир ёт унсур сифатида қаралган. У шунчаки хирсий эҳтиёжни қондиришгагина ярайдиган бир жонзот сифатида қараладиган тушунчалар ҳам узоқ пайтлар хукм сурган. Шу сабабдан ҳам канадалик эскимосларда қиз болаларни чақалоқлигига даёқ йўқ қилиш анъанаси мавжуд бўлган. Арабларда ҳам Арабистон минтақасида Ислом дини келмагунига қадар қизларни тирик кўмиб юбриш амалиёти мавжуд бўлган. Ҳиндистонда турмуш ўртоғи вафот этганда аёлинни ҳам бирга қўшиб оловга ташлаш анъанаси мавжуд эди. Шу билан бирга ўғил болаларга нисбатан ҳам юқоридаги ўҳшашиб амалиётлар бажариб турилган. Мисол учун Японияда XX аср бошларига қадар янги туғилган ўғил болаларни ҳали гўдаклигига даёқ йўқ қилиш анъанаси мавжуд бўлган, уларни бозорда сотиш ва фойда кўриш қийин, деб ҳисобланган.”⁷

Шундай қилиб, ҳинд хотин-қизлари аҳволи кўпгина ҳинд ёзувчиларини, айниқса, адibalарини анчадан бери ташвишлантириб келган бўлиб, Розия Саждад Захир, Субхадра Кумар Чаухан, Рашида Жаҳон, Содика Бегам, Амрита Притам, Манну Бхандари каби адibalар бу масаласига ўз ижодларида алоҳида эътибор қаратганлар. Улар ўз роман ва ҳикояларида оила ва жамиятда ҳинд аёлларининг ўрни ҳақида сўз юритганлар. Ҳиндистоннинг бу машхур адibalari хотин-қизларни ўз ижодлари билан ҳар томонлама ҳимоя қилдилар, уларга жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш учун аёл киши нималар қилиши керак,

⁶ <https://www.un.org/sustainabledevelopment/gender-equality>

⁷ Қиёмиддин Назаров. Фалсаа қомусий лугати. “Шарқ”. –Т: 2004. Б. 84.

қандай аёл бўлиш кераклигини асарлари мазмунида айтиб кетдилар. Ҳинд аёлларининг жамиятдаги доимо ҳуқуқсиз, камситилган ахволи Ҳиндистоннинг миллий муаммоларидан бири эди. Ҳиндистоннинг кўп асрлик тарихи давомида аёллар каста тизими ва диний урф-одатлар мавжуд бўлган феодал жамият шароитида ҳаётнинг бутун қийинчиликларини ўзларида синаб келганлар. Замонавий ҳинд ёзувчилари асарларида аёл мавзуси, оиласиб муносабат масалалари ҳинд адабиётшуносларидан Хазари Прасад Двиведи, Рашид Ахмад Сиддики ва бошқалар, хориж шарқшунослари С.К.Баннержи, Н. Глебов ва А.Сухочев, В.Новикова, И.Серебряков, И.Товстых, Е.П. Челышев, З.Н.Петруничева, Е.Я.Калинникова ва бошқалар, ўзбек шарқшуносларидан О.С. Полинова, Т.А.Ходжаева ва У.У.Мухибовалар ҳинд,ベンгал,урду, панжоб ва Ҳиндистоннинг бошқа халқлари адабиётида насрда ҳам назмда ҳам рисола ва илмий мақолаларда ҳам доим акс эттириб келинади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Қиёмиддин Назаров.Фалсафа қомусий луғати. “Шарқ”. –Т: 2004. Б.
2. Uzbek Oriental Studies: today and tomorrow. Scientific collection. Т., 2010
3. Салимова Ф.С. Женщины независимой Индии. Ташкент. 1979.
4. ममता लिया। बीसवीं सदी का हिंदी महिला - लेखन: खंद-३, साहित्या अकादमी, नई दिल्ली 2015
5. https://www.un.org/sustainable_development/gender-equality